# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Ҳаётимиз гуллари бўлмиш мунис аёлларни,*
*опа-сингилларимизни 8 Март — баҳор ва нафосат*
*айёми билан чин дилдан самимий муборакбод этади.*
*Оилавий хотиржамлик, гўзаллик ва латофат,*
*бахт-саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин!*

# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Гўзал диёримизнинг барча аёлларини*
*ва соҳада меҳнат қилаётган лобару дилбар*
*опа-сингилларимизни 8 Март — Халқаро*
*хотин-қизлар байрами билан самимий қутлайди.*
*Баҳор гуллари каби гўзал аёлларимизга*
*бахт-саодат, омад ва қувонч, оилавий*
*тотувлик ва фарзандлар камолини тилаб қоламиз!*
*Айёмингиз қутлуғ бўлсин, опа-сингиллар!*

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# Касаба уюшмалари

(Боши 1-бетда)

Ҳудудий келишувларга аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, ишсизликнинг олдини олиш, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш каби тадбирларнинг киритилишига эришилмоқда.

Касаба уюшмалари ташаббуси билан корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларида ходимлар, шу жумладан, аёлларга қатор ижтимоий имтиёзлар белгиланган. Фикримиз далили сифатида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали 2006 йилда амалга оширилган ишлардан айримларини тилга олиш мумкин. Масалан, якунланган йилда 7766 нафар кам таъминланган оилага 102,3 миллион сўм, 2269 та кўп болали оилага 29,8 миллион сўм, 2071 нафар пенсионерга 23,5 миллион сўм, 3912 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига 44.3 миллион сўм, 584 нафар байналмилалчи жангчига 7,9 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 803 нафар кўп болали онанинг иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди ва бунинг учун корхоналарнинг 5,8 миллион сўм маблағи сарфланди.

Маълумки, ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш масаласи ҳам касаба уюшмалари ижтимоий ҳимоя вазифаларининг узвий бир қисмидир. Бу масала юзасидан вилоят ҳокимлиги, марказий банк, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилинмоқда.

Жойларда иш берувчиларга ходимлар иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш бўйича расмий талабномалар бериш, ҳокимият, банк, прокуратура органларига мурожат қилиш ҳамда судларга даъво аризасини киритиш амалиёти қўлланилмоқда.

Аҳолини доимий иш ўринлари билан таъминлаш (бандлик дастури бажарилишига эришиш) ижтимоий ҳимоянинг муҳим талабларидан биридир. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари маҳаллий

## Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

## ИНСОН АЗИЗ

ҳокимликлар, идора ва муассасалар, тегишли ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорликда янги иш ўринларининг яратилиши, ишсизларнинг янги меҳнат ўринлари билан таъминланиши чораларини кўрмоқдалар. Масалан, ўтган йилда 29 минг 920 та ана шундай янги меҳнат ўринлари яратилди ва бекор қолган ҳамда мактаблар ва ўқув юртларини тугаллаган йигит-қизлар иш билан таъминланди. Булардан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ишга жойлаштириш мақсадида вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан касаба уюшмалари ҳамкорлигида туманларда 34 марта меҳнат ярмаркалари ўтказилди ва уларда 2281 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, шундан 952 нафари аёллардир. Бунга қўшимча вилоят миқёсидаги мавжуд 55 та йирик саноат корхоналари қошида касаначилик меҳнати ташкил этилган бўлиб, уларда 5300 нафар киши меҳнат қилмоқда. Вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар беришни яхшилаш мақсадида бирлашмада доимий ишлайдиган «Ишонч» телефони ташкил этилган. Ушбу телефонга турли саволлар билан мурожаат этганларга ўз вақтида қонуний маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб борилмоқда.

Ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда улар меҳнатини муҳофаза қилиш муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан касаба уюшмалари бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашлар меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини такомиллаштириб бормоқдалар. Бунда тарғибот ишларига меҳнат жамоаларини жалб қилиш, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, кўрик-танловлар ўтказиш орқали иш жойларида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратилиши юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган йил мобайнида касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ, туман кенгашлари ва вакилликлари томонидан 275 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Бу жараёнда 1240 та меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва меъёрлар бузилиши ҳоллари аниқланди. Бу ҳолатларнинг 1100 таси ўз вақтида бартараф этилди. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларга 132 та ҳуқуқий ёрдам берилди. 2006 йилда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларда жароҳатланганларга иш берувчилар томонидан жами 21,5 миллион сўм миқдордаги зарар тўловлари берилишига эришилди.

Маълумки, ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ижтимоий ҳимоянинг муҳим қисмидир. Чунончи, ўтган йилда касаба уюшмалари тасарруфидаги ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 738 киши санаторийларда, 454 киши санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. 2006 йилнинг ёз мавсумида 12012 нафар ўғил-қиз шундай имкониятдан баҳраманд бўлдилар. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, маҳаллалардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 7200 нафар фарзандларига бепул йўлланмалар ажратиб берилди. Шунингдек, вилоят ногиронлар жамияти тавсияси билан 20 нафар ногирон, «Меҳрибонлик уй»ларидан эса 135 нафар бола ҳам оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

Жорий йилнинг дастлабки ойи ичидагина вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ вилоят кенгашлари ва вакилликлари томонидан 15 нафар ходим ўз ишига тикланди ва бекор юрган вақтлари учун 650 минг сўм миқдорида моддий зарар ундириб берилди.

Умуман, ўтагн йилда вилоят бўйича касаба уюшмалари томонидан 8 мингдан ортиқ кам таъминланганлар, пенсионер ва ногиронларга турли миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бу борада Наманган электр тармоқлари, 11-механизациялашган кўчма жамланма, «Намангантекстил», «Нотўқимачи», «Наманганмаш», акционерлик жамиятлари, Уйчи ва Тўрақўрғон туманларидаги агросаноат тизими ташкилотларида ва хўжаликларида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, вилоят олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган 28 нафар иқтидорли, фаол ва жамоатчи ўқувчиларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси томонидан стипендиялар бериб борилмоқда.

Бирлашма «Ижтимоий ҳимоя йили»да бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш чорасини кўрмоқда. Ушбу йўналиш бўйича барча вилоят тармоқ кенгашлари, вакилликлар, шаҳар ва туман тармоқ қўмиталари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан махсус тадбирлар ишлаб чиқилган ва уларнинг бажарилиши назорат қилиб борилмоқда. Ишловчиларни, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, қаровчисини йўқотган кекса ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишловчиларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

**Пайзулло ПАЯЗОВ,**
**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси**

***Туман ижтимоий таъминот бўлимида 19 минг 137 нафар пенсионер бўлиб, уларга 15 нафар мутахассис хизмат кўрсатмоқда.***
***Тайинланаётган барча пенсия ва нафақалар 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилмоқда. Ўтган йил 827 та ёшга доир, 175 та боқувчисини йўқотганлик, 219 та ногиронлик, пенсиялари қайта ҳисобланди.***

## ПЕНСИЯ ВАҚТИДА

Шунингдек, 214 нафар кишига ижтимоий нафақалар тайинланди. Шундан 132 нафари 16 ёшгача ногиронлик, 74 нафарига болаликдан ногиронлик, 8 нафарига иш стажига эга бўлмаган боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа ва 2886 нафар бола туғилиши муносабати билан бир йўла нафақалар тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 27 майдаги 80-сонли буйруғига асосан пенсияларнинг тўғри тайинланиши, маблағларнинг ортиқча тўланишининг олдини олиш мақсадида, бўлим бошлиғи муовини ҳамда пенсия тайинлаш бўйича шўъба бошлиғи таркибида комиссия тузилган бўлиб, 2002 йил 27 майда туман ижтимоий таъминот бўлимининг буйруғи чиқарилди ва ҳафтанинг ҳар пайшанба куни комиссия куни, деб белгиланди. Шунингдек, комиссия аъзолари томонидан нотўғри тайинланган ортиқча ва кам тўланган, шубҳа туғдираётган пенсия ишлари ўрганиб чиқилиб, тўлиқ текширилмоқда.

Ижтимоий таъминот бўлимида пенсия, дафн, суюнчи пули тўловларини ўз эгаларига етказиб бериш юзасидан ўтказиладиган мониторинг почта алоқа бўлимлари билан ҳамкорликда сифатли ташкил этиляпти. Пенсия ва нафақаларнинг белгиланган тартибда тўлиқ элтиб берилиши бўйича мониторинг ўтказишга бириктилган ходимлар фаолияти қаттиқ назоратга олинди. Пенсия тўловини кечиктириб тўлаш ҳолатларига йўл қўйган масъул шахсларга интизомий чоралар кўрилиши уқтириб ўтилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тавсия этилаётган тартибга кўра ҳар бир пенсия ва нафақа олувчининг паспортида кўрсатилган яшаш жойлари чуқур ўрганилди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 8,18 ва 22-моддаларига асосан пенсиялар тўғри тайинланиб тўланишига қатъий амал қилинаётир. Мазкур моддаларга кўра, пенсия ишлари турлари бўйича ажратиб тахлаб қўйилди. Шунингдек, фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ҳолда маълумотномага асосан пенсия тайинлаш мумкин эмаслиги таъкидланди. Тўлиқсиз стаж билан тайинланган пенсия ишлари вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг хулосасига асосан тасдиқдан ўтказиб, кейин тўловга бериш тушунтирилди.

Жумладан, 189 минг 46та пенсия ва ижтимоий нафақа ишлари қайта ҳисоблаб чиқилди.

## Фидойилар

## МЕҲНАТНИНГ РОҲАТИ ЎЗГАЧА БЎЛАДИ

***Масаланинг ҳуқуқ-тартибот идоралари даражасига кўтарилиши раҳбарга хуш келмади. Бир хаёли касаба уюшма етакчисини жазолашга етакласа-да, тиши ўтмаслигини ўйлаб ўзини тийди.***

Саксонинчи йиллар ўрталарида маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида низо чиқди. Иқтисоди ночор хўжалик ишчиларига ойлик-маош тўлашда катта қарздорлик юзага келди. Бу ҳолат касаба уюшма етакчиси Шоназар Элмуродовни бефарқ қолдирмади. Таранг вазиятни юмшатиш ва ходимларнинг меҳнат ҳақини беришга хўжалик мутасаддилари шошмади. Касаба уюшма раисининг ёзма мурожаатлари раҳбар столи ғаладонининг қайсидир бурчида чанг босиб ётаверди. Бу ҳолни кўриб етакчи қўл силтамади. Маъмуриятга мурожаат қилдим, вазифам уддаланди, дея хотиржамликка берилмади. Масъул кишилар эътиборини вужудга келган ҳолатга қаратди. Пировардида иш берувчи ҳаққоний талабни бажаришдан ўзга чора тополмади.

— Ўша пайтлари анча тазйиқлар бўлди, — дейди Шоназар ака. — Аммо бўш келмадик. Охир оқибатда хўжаликда маошдан қарздорлик барҳам топди.

Меҳнат қилиб ҳали биров кам бўлган эмас. Қатъиятли етакчининг мавқеи янада ошди. Натижада Шоназар ака вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси кенгаши бўлим мудири вазифасига кўтарилди.

Қисқаси бу ажойиб инсоннинг 40 йиллик меҳнат фаолияти касаба уюшма ташкилотларида кечди. Бошланғич ташкилот етакчилигидан халқ таълими бўлими ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси даражасигача кўтарилди, хўжалик ва вилоят агросаноат тизими касаба уюшмаларида фаолият кўрсатди. Муайян фурсат халқ таълими, касб-ҳунар таълими бошқармаларида масъул вазифаларда ҳам хизмат қилди. Касаба уюшмада ишлаш заҳмати, қийинчиликлари уни сира чўчитган эмас. Аксинча, меҳнати қувончга айланди.

Саккиз йилдирки, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлимини бошқариб келаяпти. Давлат маблағларини ўз ўрнига, мақсадли сарфлашда тажрибали ходимнинг ҳаётий сабоғи қўл келаяпти. Меҳнат аҳли саломатлигини сақлаш, уларнинг дам олишини ташкил этишда билим ва кўникмасини аямаяпти. Яна бир эътиборли жиҳати вилоят касаба уюшмалари етакчилари унинг ўгит ва маслаҳатларига таянади. Кўп йиллик меҳнат, фидойилик самараси ўларок юзлаб шогирдлар етиштирди. У ишдагина эмас, оилада ҳам комил инсон. Икки ўғил, уч қизи бор. Улар ҳам оталари сингари ҳаётда ўз ўринларини топишган. Шоназар аканинг режалари улуғ. У жамоат ташкилоти нуфузини ошириш, мавқеини мустаҳкамлаш ва кишиларга хизмат қилишдек эзгу мақсад учун астойдил бел боғлаган.

**Саид ТОҒАЕВ,**
**Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ходими**

## Бошланғич ташкилотларда

## Одамлар орасида

***Одатдаги иш куни эди. Эшик тақиллаб, фаррош аёллардан бири кўринди.***
***— Илтимосим бор эди, — аёл бошини қуйи эгди. — Ўғлимнинг тоби қочиб қолди. Даволатишга қўлимиз андак калталик қиляпти. Агар мумкин бўлса ёрдам берармикинсизлар, деб келувдим.***
***— Сиз хавотир олманг. Ўғлингиз албатта шифо топади, — деб Худойберган оға аёлни овутди. — Уни шифохонага ётқизинг. Биз ҳам қараб турмаймиз.***
***Онанинг фарзанди шифохонага ётқизилди. Касабақўм ваъдасида турди. Кўп ўтмай бола шифо топди.***

— Йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди Элликқалъа туман Марказий шифохона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Худойберган Каримбердиев. — Бинобарин, ишчи-хизматчи танг аҳволга тушса, даставвал касаба уюшмасидан ёрдам сўрайди. Қўмитамиз ўз атрофига 1558 нафар аъзони жипслаштирган. Табиийки, улар орасида ижтимоий ҳимояга муҳтожлари ҳам бор. Зарур бўлганда қўллаб-қувватламасак, нима деган одам бўлдик.

Меҳнат аҳлига ғамхўрлик кунимизнинг долзарб вазифасидир. Мавжуд жамоа шартномасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, манфаатлари аниқ кафолатланган. Шунга кўра, шифохона томонидан ушбу шартнома асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фаол тиббиёт ходимлари рағбатлантирилиб, ходимларнинг тунги иш вақтлари учун қўшимча маош тўланаётир. Шунингдек, иш вақтидан ташқари ва байрам кунлари ишлаганлар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Ишчи-ходимларнинг сиҳат-саломатлиги муҳим масала. Шундан келиб чиқиб, 17 нафар ходим санаторийларда дам олдирилди. 15 нафар аъзонинг фарзандлари оромгоҳларга юборилди.

Иш шароитларини яхшилаш юзасидан ҳам аниқ чоралар кўрилмоқда. Марказий касалхонада жойлашган туғруқхона бўлимида операция хонаси, 3 та туғруқ зали, қабул бўлинмаси, чақалоқлар интенсив хонаси, палаталар ва даҳлиз ҳомийлар томонидан 14 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, таъмирланди. Юқумли касалликлар бўлимининг таъмири учун 8 миллион сўм, терапия бўлимига эса 4 миллион сўм ажратилди.

— Худойберган оғани фидойи десак, янглишмаймиз, — дейди бош шифокор Абажон Авезов. — Ҳар доим ишчи-хизматчилар учун елиб-югуриб юради.

Дарҳақиқат, касабақўм ишбилармон бўлса, аъзосининг юки ерда қолмайди.

— Илгари кўпчилик касаба уюшмасининг вазифаси санаторий ва болалар оромгоҳларига йўлланма беришдан иборат деб ўйларди, — дея суҳбатни давом эттиради Худойберган оға. — Ҳозир муносабат бутунлай ўзгарган. Касаба уюшмага бўлган ишонч юксалган. Аъзоларимиз ҳар қандай вазиятда биринчи навбатда биздан кўмак сўрашмоқда. Маъмуриятдагилар ҳам бирон тадбирни амалга оширишдан олдин бошланғич ташкилот билан маслаҳатлашадиган бўлишди.

Кейинги йилларда иш берувчи ва касаба уюшма ҳамкорлигида турли маданий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, танловлар ўтказилиши одат тусига кирди. «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танлови шулар сирасидандир. Унда шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Зумка Нурлаканова ғолиб, деб топилиб, телевизор, видеомагнитофон ва уяли телефон билан тақдирланди. «Энг яхши доя» — Муқаддас Ҳайитбоевага ҳам қимматбаҳо совғалар берилди.

**Б.РЎЗМЕТОВ**



## КАСАНАЧИЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Сирдарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан Сирдарё шаҳридаги «Ганжинаи Моҳинур» ўқув марказига 1 миллион 500 минг сўмлик хайрия ёрдами ўтказилди. Ўқув маркази «Микрокредитбанк» Сирдарё тумани бўлими томонидан қўллаб-қувватланди. Бу молиявий идора ўқув марказини ривожлантиришга 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Мазкур маблағлар эвазига ўқув марказига тикув машиналари, зардўзлик дастгоҳлари сотиб олиниб, янги иш ўринлари очилди. Жамоа беш нафар аёл билан шартнома тузди. Севара Сунатова, Матлуба Қозоқова, Мукаррам Қурбонова, Светлана Маҳкамова, Шаҳноза Иноятовалар қўлидан чиқаётган аёллар либослари, зардўзлик маҳсулотлари, болалар кийим-кечаклари харидорларга манзур бўлмоқда.

— Касаначиларга меҳнат шартномаси асосида ҳар ойда яхшигина ҳақ тўлаяпмиз, — дейди ўқув маркази раҳбари, ёш тадбиркор Нодира Қурбонова. — Уларга уйда ишлаш учун етарли шарт-шароит яратиб бердик. Келгусида касаначилар сонини янада оширишни мўлжаллаяпмиз.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**журналист**

## САХОВАТ

**Зафарободлик тадбиркор ва фермерлар ногирон, кам таъминланган оилаларга саховатпешалик кўрсатмоқдалар. Улар Президентимизнинг «Ижтимоий ҳимоя ... жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор» деган кўрсатмаларига амал қилишмоқда. Буни «Курувчилар» маҳалласида яшовчи тадбиркор Бахтиёр Одилов мисолида кўриш мумкин. У Ширинбой Болқибоев оиласига битта сигир ҳадя қилди.**

**«Шерзод», «Хумохол» номли кичик фермер хўжалиги туманнинг «Ҳулкар» қишлоғида яшовчи кам таъминланган Раъно Файзуллаева хонадонига болали сигир олиб берди.**

**Ҳулкарлик Тўйназар Расуловга фермерлар олиб берган сигир қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Анвар Маматқулов томонидан тантанали равишда топширилди.**

**Туман пахта тозалаш корхонаси жамоаси шарофати билан Меҳри Абдуллаева ҳам сигирли бўлди.**

**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**журналист**

***«Касаба уюшма ташкилотлари ўзининг барча фаолиятида миллий истиқлол мафкурасига, мамлакат касаба уюшмаси ҳаракатининг янги ғояларига, шунингдек, ижтимоий ҳамкорликда «Маънавият инсон фаровонлигининг кафолати», «Касаба уюшмаси қанча кучли бўлса, иш ўрни шунча хавфсиз бўлади», «Ўзбекистонда муносиб меҳнат» каби тамойилларга амал қилаяпти» деган эди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова «Ишонч» газетасида босилган «Касаба уюшмалари Ижтимоий ҳимоя йилида» мақоласида.***

## КЎНГИЛ ОЛИШ

Дарҳақиқат, шундай. Инсон манфаатлари доимо касаба уюшмалари диққат марказида турибди. Ижтимоий мулоқотлар самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ҳаракатлар яхши натижа бераётир. Бугун республикамиз миқёсида Федерация Кенгаши мутахассислари иштирокида ишлаб чиқилган 82 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишувлари амал қилмоқда. Жойларда 600 дан ортиқ ҳудудий-тармоқ келишувлари тузилган. Уларнинг аксарияти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилган.

Айниқса, тармоқ келишувларига иш ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун иш берувчиларни моддий жавобгарликка тортиш, нарх-наво ўзгаришига қараб иш ҳақини қайта кўриб чиқиш каби меъёрларнинг киритилиши келишувлар сифати ва таъсирчанлигини анча юксалтирди.

Федерация Кенгаши раёсати ўзининг қарорлари билан тузилаётган жамоа келишувларида давлат дастурларига кўра, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, ночор қатламини ижтимоий ҳимоялаш чораларини кучайтиришни касаба уюшма органларига тавсия этиб борди.

Ўтган йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва савдо-саноат палаталари ўртасида ижтимоий мулоқот ривожланди.

Ҳаёт шиддат билан давом этаётир. Республика иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар аҳолининг бандлик ҳолатига ҳам таъсир кўрсатди. Ушбу масала кун тартибидаги ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналишига айланди. Шу маънода Федерация Кенгаши ҳамда Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида 2006 — 2010 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланганлиги айни муддао бўлди.

Унга биноан касаба уюшма органлари ходимларнинг бандлигини таъминлашда, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган фуқаролар учун иш жойларини яратишда, меҳнат ярмаркаларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этиши назарда тутилган.

Хусусан, режага кўра жойларда ишлар қай йўсинда ташкил этилаётгани ўрганилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси ташкилотларининг жамоа келишувлари ҳамда шартномалар асосида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасидаги фаолиятига эътибор қаратилди.

Пировард натижада маълум бўлдики, эришилган ютуқлар билан биргаликда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бинобарин, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ходимлар учун иш вақти ва дам олиш меъёрларига риоя этилиши, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан касаба уюшмалари томонидан таъсирчан назорат ўрнатилишини таъминлаш, жамоа келишувлари ва шартномалари лойиҳалари экспертизасининг сифатини кўтариш лозимлиги қайд этилди.

Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаларининг нодавлат сектори ходимларини аъзоликка жалб этиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг аҳволи кўздан кечирилганида, касаба уюшмалари сафида ўз фаолиятини меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги туташуви асосида амалга ошираётган янги аъзолар (хусусий ташувчилар, киоскачилар, касаначилар ва ҳоказо) гуруҳларининг пайдо бўлиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг анъанавий шакл ҳамда услублари ўзгартирилиши лозимлиги қайд этилди. Шу масалада раёсатда қабул қилинган қарорлар жамоа шартномалари ва келишувларида ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатининг хусусиятлари инобатга олиниши, уларнинг ўзига хос муаммолари ечимига бағишланган чора-тадбирлар акс эттирилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон агросаноат

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИДА

## Қонун ва ижро

## ТЎЛАНЯПТИ

Масалан, туман почта алоқа боғламига қарашли 24 та алоқа бўлими пенсионерларга намунали хизмат кўрсатаяпти. Ўтган йил давомида пенсионерларнинг пенсия тўлови тўғри тўланаётганлигини ва пенсия учун ажратилган маблағ мақсадли сарфланаётганлигини назорат қилиш мақсадида 24 та алоқа бўлимини текширишдан ўтказиш режалаштирилганди. Шунга кўра, ушбу алоқа бўлимларида 48 марта текшириш ўтказилди. Шу жараёнда 14 минг 125 нафар пенсионер билан мулоқот бўлиб ўтди. Аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан Почта алоқа боғламига ёзма равишда билдириш хатлари юборилди. Уларга асосан Почта алоқа бўлими ходимларининг 3 нафарига интизомий жазо берилди. Бундан ташқари ҳар ойда тўлов якунлангандан кейин танлов асосида Алоқа бўлимларида сўровномалар ўтказиляпти. Шу жараёнда пенсияларни берилмасдан берилди, деб ҳисоб бериш ҳоллари жумладан, айрим тадбиркор пенсионерлар ортиқча пенсия олганлиги маълум бўлиб қолди ва буни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди.

Масалан, Қизилтепа қишлоғидан О. Соатова, Оқработдан Н. Абдиева, қорабоғлик Т. Хидиров, Тўқбой қишлоғидан С. Матёқубова, Пахтакор кўчасидан Р. Нормуродова ва бошқа пенсионерлардан уларнинг ўз аризаларига биноан 10 фоиз миқдорида ойлик пенсияларидан ушлаб қолинди.

Шунга ўхшаш ўтган йил давомида 402 нафар киши касаллик варақаси бўйича нафақа олган. Уларнинг тўғри берилганлигини аниқлаш мақсадида 13 та ҚВП текширилиб, далолатномалар тузилди ва тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Пировардида мавжуд камчиликлар очиб ташланди.

**Саодат ҲАМИДОВА,**
**Қамаши туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи**

## ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ

***Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари фойдаланаётган қўшимча имтиёз ва енгилликлар сони бугун 50 турдан ошиб кетди. Албатта, бу ижтимоий шерикчилик шартномасига амал қилинаётгани туфайлидир.***

— Ҳукумат бошқарув идоралари, хўжалик ташкилотлари, иш берувчилар билан барча бўғинлардаги касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикчилиги жамият аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофазалашнинг ишончли кафолатига айланди, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси А. Аҳмедов. — Куни кеча вилоятимиздаги энг йирик саноат корхоналари, Жўрқўрғон туманидаги «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти, Қумқўрғондаги «Сурхон» комбинати ҳиссадорлик жамияти, Сариосиёдаги «Тўпаланг ГЭС қурилиш» масъулияти чекланган жамиятларида бўлганимда, ҳар учала корхонада касаба уюшма қўмиталари маъмурият билан ҳамкорликда хайрли иш олиб бораётганлигига амин бўлдим.

Мазкур жамоаларда меҳнат аҳлининг саломатлигига катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, ўнлаб ишчи-хизматчилар сўнгги бир йил давомида «Турон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса» ҳамда «Чинобод», «Жайронхона», «Сурхон», «Ҳазорбоғ» каби сиҳатгоҳларда бепул дам олдирилди. Шунингдек, меҳнаткашларга яхши иш шароити яратилди. Масалан, ишчи-ходимларга ҳар куни иссиқ овқат берилмоқда. Уларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус автобуслар ажратилган. Иш жойлари қулай ва соз. Дам олиш хоналари, ишдан сўнг ювиниш учун душ мунтазам ишлаб турибди. Бундан ташқари, якка тартибда уй-жой қураётган ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам ҳамда фоизсиз қарз бериш амалдаги жамоа шартномаларига қўшимча илова тариқасида киритилди.

— Қулай шарт-шароитларнинг яратилиши иш унуми ва самарадорлигини оширмоқда, — дейди «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Жуманазар Қодиров.

У ҳақ. Эътибор бор жойда меҳнат роҳатга айланади. Кунлар завқ-шавқли кечади. Буни мавжуд теннис корти ҳамиша гавжум эканлигидан ҳам билса бўлади. Биринчи ёрдам учун кеча-кундуз тиббий пунктда шифокорлар шай. 50 фоиз миқдорида арзонлаштирилган сартарошхона, пойабзал, радиотехника жиҳозларини таъмирлаш устахоналари ишлаб турибди.

— Яқинда жамоа шартномасини имзолаш арафасида, бошланғич касаба уюшма қўмитаси 10 йилдан ортиқ ишлаган ишчи-ходимларнинг коммунал хизмат тўловларига олинадиган фойда ҳисобидан имтиёз бериш ҳақида таклиф киритди. Таклиф қўллаб-қувватланди. Шунингдек, уни жамоа шартномасига алоҳида боб қилиб киритдик, — деди «Сурхон» комбинати ҳиссадорлик жамияти раиси Қорахон Турсунов.

Ишчи-хизматчилари бундай имтиёзлардан фойдаланаётган жамоалар сони кўп. «Олтин — чигит» қўшма корхонаси, Деновдаги «Лочин» фермер хўжалиги, Шўрчи ва Музрабод туманларидаги халқ таълими бўлимлари шулар сирасидандир. «Шўрчи дон қабул қилиш» ҳиссадорлик жамиятида ишлаётган аёлларга тўлиқ иш ҳақи тўлангани ҳолда иш куни бир соатга қисқартирилди. Вилоят «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятининг туманлардаги ҳамда Термиз шаҳри бўлимида сурункали дардга чалинганларга бепул дори-дармон бериш йўлга қўйилди. «Электр энергия» ОТАЖ, алоқа корхоналарида, барча қурилиш ҳиссадорлик жамиятларида ишчи-хизматчилар, меҳнат ва уруш фахрийлари ҳамда нафақадорларга берилаётган имтиёзлар тури янада кўпайяпти. Жумладан, таътилга чиқиш чоғида бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам кўрсатиляпти. Тўй ўтказилганда, янги уйга кўчиб кирилганда, оилада фарзанд туғилганида уч кунлик ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши жорий этилди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Жойлардан хабарлар

## ДАСТУР АСОСИДА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тўрткўл туман кенгаши тасарруфида 101 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда касаба уюшма аъзолари сони 4962 нафарни ташкил этади. Шулардан 52 фоизи хотин-қизлардир. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан туман кенгаши дастур ишлаб чиқди. Унда кам таъминланган касаба уюшма аъзоларини, кекса, ногирон, якка-ёлғиз пенсионер ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳолидан хабар олиш масалалари жой олган. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 110 нафар кишига моддий ёрдам бериш режалаштирилди. Йилнинг биринчи чорагида 25 нафар кам таъминланган касаба уюшма аъзосига 380 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Туманда 18 та мактабда дарслар тўла туркман тилида олиб борилмоқда. Бу мактабларда ижара дарсликларининг нархи баланд бўлиб, бир йилга 16 — 20 минг сўмни ташкил қилади. Шуларни ҳисобга олиб, Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган оила фарзандларига бепул дарсликлар олиб бериш учун 470 минг сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, 8 нафар якка-ёлғиз пенсионер ўқитувчилар оталиққа олинди. Уларнинг эҳтиёжлари учун 220 минг сўм ажратилди.

**Маҳмуд АДЕКОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашининг Тўрткўл туманидаги вакили**

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ БИЛАН

***Инсон учун кичик бўлса-да, бирор-бир муваффақиятга эришиш чинакам бахт ҳисобланади. Зеро, ўз бурчини бажаришдан мамнун одамгина эркин ва хуррам яшайди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби таълим ва фан соҳасида ҳам эл-юрт ишончини ўз манфаатларидан устун баҳолайдиган фидойи кишиларни кўплаб учратиш мумкин.***

Навоий вилояти таълим ва фан ходимлари сафида 66 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзолар мавжуд. Улар 122 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига бирлашган.

Ўтган йили ходимлар ва уларнинг оила аъзолари хотирасида илиқ таассурот қолдирди. Таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги бир қатор ишлар амалга оширилди.

Меҳнат жамоаларида имзоланган жамоа шартномаларига асосан 47 та кам таъминланган оила, 12 та ёш оила ва ўн нафар ногиронга санаторий ва профилакторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди.

Турли байрамлар арафасида ёлғиз кексалар, пенсионерлардан 106, уруш фахрийларидан 90, меҳнат фахрийларидан 100, байналмилал жангчилардан 96 нафари, кам таъминланган оилалардан 1030 тасига иш берувчилар ва касаба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Ушбу мақсадларга касаба уюшма бюджетидан 7 миллион 621 минг сўм сарфланган бўлса, иш берувчилар томонидан бу кўрсаткич қиймати 46 миллион 152 минг сўмга етди.

Бундан ташқари, йил давомида деярли барча Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат уйларига касаба уюшма бюджетидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Навоий Давлат педагогика институтининг кам таъминланган 10 нафар педагог-ходимлари ва 45 нафар талаба ёшлари учун Хоразм вилояти шаҳарлари бўйлаб бепул саёҳат уюштирилди.

Тармоқ ходимларининг 1169 нафар фарзандлари оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Иш кўламини фақат моддий кўмак, ёхуд қўллаб-қувватлаш билан ўлчаб бўлмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, жойларда аъзолар турмуш тарзини ўрганиш ва уларга яқин кўмакдошга айланиш мақсадида қишлоқ, овул, маҳаллалар билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда. Айниқса, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота, Кармана туманларида ИИБ, халқ таълими бўлими, иш берувчилар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда маҳаллалар аҳолиси билан турли учрашувлар ўтказилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда инсонга наф келтиришни ўзига шиор қилиб олган касаба уюшмаси ходимларининг ҳам муносиб ўрни бўлиши табиий.

**Тоир ЙЎЛДОШЕВ,**
**Навоий вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашининг бўлим мудири**

## Бандлик дастури — амалда

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

***Меҳнатга яроқли аҳолини, шу жумладан, ўсмирлар, кўп болали аёллар, пенсионер ва ногиронлар учун иш ўринларини квоталашга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва амал қилмоқда.***

***Воҳада кам таъминланган ва кўп болали оилаларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш устувор вазифа деб белгилаб олинган бўлиб, «2004-2006 йилларда оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш концепцияси» ишлаб чиқилди. Бир йил давомида 67,5 мингта иш ўрни яратилди. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ишга жойлаштириш марказлари фаолият кўрсатмоқда.***



«2006-2007 йилларда аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш» ҳудудий дастурининг амалга оширилиши даромади кам оила аъзоларини манзилли иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Қадимдан халқ ҳунармандчилик дурдоналари билан етти иқлимга машҳур Шаҳрисабз шаҳрида 20 хил турдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилаяпти. Жейнов гиламлари, Қарши темирчи ва сандиқчилари, Косон қандолатпазлари, Яккабоғ дурадгорлари, Ғузор ва Қамаши каштачилари, Муборакнинг ғишт пиширувчилари, Касби кулоллари қўлидан чиққан буюмлар бозорларда ҳамиша харидоргир.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан 6,1 мингта янги иш ўрни яратилди. Қаршилик А.Эгамбердиева пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиб, теримчилар этаги, ишчиларнинг устки ва бош кийимлари, чарм сумкалар тайёрлаб, ярим йил давомида 500 минг сўм даромад олди. Вилоят марказининг 800 дан зиёд хотин-қизи 8 та йирик саноат корхонаси билан шартнома тузиб, касаначилик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Юртбошимизнинг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бултур 2647 та кам таъминланган, кўп болали оилаларга бепул қорамол тарқатилди. Чорва моли боқиш учун банд бўлган кишилардан 70 минг нафарига меҳнат дафтарчаси расмийлаштириб берилди. Фуқароларга чорва моли ва паррандa тарқатиш ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Нукрабод қишлоғида яшовчи Маҳбуба Турсунова бундан икки йил муқаддам деҳқон хўжалиги ташкил этиб, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси томонидан 2 миллион сўм кредит олди ва паррандачилик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйди. Айни кунларда у Германиянинг «Ломин браун» зотли товуқларини сотиб олиб, туман ва Қарши шаҳридаги ошхоналарга парранда гўшти ва тухум етказиб бермоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўтган икки йил мобайнида ташкил этилган деҳқон хўжаликларида 74,4 минг кишининг банд бўлишига эришилди. Оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш туфайли 17,4 минг нафар аҳоли доимий иш жойи ва меҳнат даромадларига эга бўлди. Тоғли туманларнинг чекка қишлоқларини ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, бандликни ошириш мақсадида Шаҳрисабзнинг Тутзор маҳалласи, Ҳисорак ва Хитой, Яккабоғ туманидаги Татар қишлоқлари аҳолиси учун «Бандлик» жамғармаси ҳисобидан 80 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу жараённи жорий йилда ҳам давом эттиришни назарда тутиб, Ғузор, Чироқчи, Қамаши туманлари ва Қарши шаҳрининг бир қатор фуқаролар йиғинлари бўйича ижтимоий-иқтисодий дастурлар ишлаб чиқилган.

Бандлик муаммоси кескин бўлган Деҳқонобод туманида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси, тижорат банклари ва кичик бизнес субъектларининг молиявий маблағлари ҳисобидан 1,5 мингга яқин иш ўринлари яратиш дастури тузилган. Ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашни табақалаштирилган ҳолда ташкил этиш билан бирга фуқароларнинг барқарор даромад манбаини шакллантириш асосий вазифа бўлиб қолади. Келгусида олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирган мутахассисларни ишга жалб этиш, деҳқон-хўжаликлари ва касаначиликни кенг йўлга қўйиш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилади.

**Азамат ГОВАШОВ,**
**Қашқадарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи**

## ПСКЕНТ АНЖУМАНИ

***Пскент тумани Марказий шифохонаси маъмурияти ва касаба уюшмаси ўртасида 2006-2010 йилларга ижтимоий шерикчилик тамойили асосида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.***

Анжуманда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан жамоа шартномаларига қўшимчалар киритилди. Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси О.Муҳитдинова, ҳуқуқшунос Н.Тиллахўжаева ва Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Г.Тўхтаевалар иштирок этиб, иш ҳақи, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаларига тўланадиган ҳақ, таътиллар тўғрисида берилган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Ҳаммаси инсон учун

## ОСОН ЭМАС

мажмуи ходимлари, енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаларининг тузилмаси, аъзолик муаммолари ва молиявий аҳволига эътибор қаратилганида, жойларда қабул қилинаётган келишувларда тармоқ ва маҳаллий хусусиятлар акс эттирилмаётгани маълум бўлиб қолди. Қатор йирик бошланғич ташкилотларга юқори органлардан тармоқ келишувлари етказилмаганлигини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга доир тавсиялар, йўл-йўриқлар берилмаган. Тузилаётган жамоа шартномаларининг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Уларнинг баъзиларида ҳатто ходим ҳуқуқларини қонун ҳужжатларига нисбатан пасайтириб юборадиган меъёрлар мавжуд. Чунончи, «Антекс», «Хива гилами» акциядорлик жамиятларида, «Ойим текстил» қўшма корхонасида ишдан ташқари вақтлардаги, шунингдек, дам олиш кунлари ва тунги сменадаги иш учун тўланадиган ҳақ қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан анча паст, ходимларга интизомий жазо чораларини қўллашда, улар билан меҳнат шартномаларини бекор қилишда қонундан четга чиқиш ҳолларига йўл қўйилган эди.

Жойларда касаба уюшма органлари фермер хўжаликларида жамоа-шартномавий муносабатларни ривожлантириш борасида фақат маҳаллий тажрибага суяниб иш кўрмоқдалар. Бу эса иш кўламини юксалтиришга салбий таъсир кўрсатиши шак-шубҳасиздир.

Бугунга келиб, бу камчиликларни бартараф этиш устида иш олиб борилмоқда.

Жамоа шартномаларининг бажарилиши таҳлил қилинганида 195 мингта юридик шахсларнинг 158 мингтасида жамоа шартномалари мавжуд бўлиб, улар орқали жами 5,4 миллионга яқин ходимлар манфаатлари қамраб олинган, ўрта статистик жамоа шартномасига 17 тадан тадбир киритилган бўлиб, улар 92,9 фоизга бажарилган.

Яна бир мисол. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари ҳам назардан четда қолгани йўқ. Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология муаммоларига доир 50 дан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этдик. Меҳнатни муҳофаза қилиш устидан энг яхши жамоатчилик назорати бўйича республика кўрик-танлов якунлари рағбатда муҳокама қилинди ва ғолиблар тақдирланди.

Бундан ташқари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-адолатли тизимини жорий этиш, иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига эришиш муҳим масаладир. Шунга кўра иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш ишлари мунтазам равишда таҳлил ва назорат қилиб борилмоқда. Саъй-ҳаракат натижаси ўлароқ ўтган йили муддати ўтган қарздорлик 10 миллиард сўмга камайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли Қарорига биноан пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар кенгайтирилиши хусусида фикр юритилган эди. Фарғона вилоятида бу усул яхши самара бераётгани маълум бўлди.

Бўлимимиз мутахассислари Ўзбекистон КУФК ўқув марказида ўтказилаётган ўқув-семинарларда фаол иштирок этишмоқда. Шунингдек, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ижроия қўмитасининг сайёр йиғилишларини тайёрлаш жараёнида фаоллар учун семинар-кенгашлар ўтказилишида ҳам уларнинг ўрни бор. Сайёр йиғилишларни тайёрлаш жараёнида бошланғич ташкилотларга, вилоят, туман ва шаҳар касаба уюшма органлари ва вакилликларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. «Евро-Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлатларида аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат миграцияси муаммолари» мавзуида ўтказилган анжуманда қатнашган ва мазкур анжуманда ўқилган маърузалар асосида мақолалар тўплами нашр этилди.

Меҳнаткаш кўнглини олиш осон эмас. Ана шундай оғир, аммо шарафли юмушни елкасига олган касаба уюшмалари олдида бир-биридан муҳим вазифалар турибди. Уларни бажариш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деган ҳикматни бежиз ўзимизга шиор қилиб олмаганмиз.

**Маҳмуджон ИСАЕВ,**
**Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири**

## Элда эъзоз топаётганлар

## БУНЁДКОР

***Тобора янгиланаётган ва яшараётган Бухорони улкан қурилиш майдонига менгзаш мумкин. Истиқлол йилларида шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Уни анчадан буён кўрмаган киши бугун адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу ерда янги-янги замонавий коллежлар, мактаблар, завод-фабрикалар, кенг ва равон йўллар, кўпригу хиёбонлар, боғ-роғлар, улкан спорт иншоотлари барпо этилди. Йиллар силсиласи ва қаровсизликдан нураб, вайронага айланган ўнлаб масжиду мадрасалар, мақбаралар, қадимий обидалар қайта тикланиб, янгилари қурилаётганлиги воҳа аҳлини беҳад қувонтирмоқда.***

Бухоронинг етти пирига эҳтиром кўрсатилиб, ушбу муқаддас қадамжоларни боғловчи ҳалқа йўлининг барпо этилгани айни муддао бўлди. Ҳозир барча учун муаззам ва мукаррам бўлган бу ерлардан зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

— Бугун вилоятда қад ростлаётган ҳар учта йирик объектнинг биттаси бизнинг аҳил ва иноқ жамоамиз — қўли гул қурувчиларимиз ҳиссасига тўғри келаётир, — дейди Галаосиёдаги 47-кўчма механизациялашган жамланма етакчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Ахтам ака Улуғов. — Сафда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганларича бор экан. Моҳир қурувчи ва муҳандис-техник ходимларимиз шарофати билан бу.

Чиндан ҳам салкам 500 кишилик қурувчилар армиясини бирлаштириб турган мазкур жамоага бугун кўпчилик ҳавас қилади. Уларнинг кўз нури, қалб ҳарорати, азму шижоати билан қад ростлаётган ҳар бир кошонани бамисоли тирик жонзотнинг ўзгинаси дегингиз келади. Улар бир-биридан андоза олиб тикланган эмас. Ҳар бирининг ўз қиёфаси — асаб торлари, боши, елкаси ва оёқлари бордек.

Вилоят харитасида кейинги 2-3 йилда пайдо бўлган Бухоро шаҳридаги юридик коллеж, Чорбакрдаги 728 ўринли мактаб, «Дўстлик»даги 630 ўринга мўлжаллаб қад ростлаган илм маскани, Пешкўдаги тиббиёт коллежи, Лошадаги 35-мактаб биноси, Афшонадаги Ибн Сино музейи қурилишларида айни шу жамоа аҳли бош-қош бўлди.

Ўзининг бунёдкорлик салоҳиятини амалда тўла-тўкис намоён этиб келаётган бу ташкилотда эл назарига тушган қурувчилар оз эмас. Хайрулла Кенжаев улардан бири. Анча йиллардан буён ғишт терувчилар бригадасига бошчилик қилаётган Хайрулла ака ўзининг жонкуярлиги, тинибтинчимаслиги билан ҳамкасбларига ибрат. 5-даражали ғишт терувчи, устоз бинокор.

Устози Чори Муродовга эргашиб, 47-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма ҳиссадорлик жамиятидаги оддий ғишт терувчилар сафига келиб қўшилганда айни куч-ғайратга тўлган навқирон ёшда эди. Йигитга касб-ҳунар билим юртида олган назарий ва амалий кўникмалари жуда асқотди. У тезда танилиб қолди. Ҳамроқул Ҳамроев, Амрилло Болтаев, Ўктамжон Абдуллаев сингари тенгқурлари даврасида тобланиб борган қўли гули қурувчи йил ўтмай, ғишт терувчилар бригадасининг сардорига айланди. Шу тариқа унинг меҳнат биографиясида унутилмас онлар бошланди.

Фойдаланишга топшириладиган бирор бино йўқки, унга Хайрулла ака ва у кишининг ишчан бригадаси аъзолари хизматлари сингмаган бўлса. Эҳтимол, шу боисдан бўлса керак, давранинг тўри ҳам, мукофотнинг зўри ҳам уларники — жамият бошқаруви, трест маъмуриятининг эсдалик совғаларини ҳам асосан шулар олишади.

— Илоҳим, ҳар биримизга эл назарига тушмоқ саодати насиб этсин, — дейди Хайрулла Кенжаев. — Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Юртбошимиз фармони билан «Шуҳрат» медалига сазовор топилдим. Бошим осмонга етди. Устоз қурувчилардан, шогирдларимдан, раҳбариятдан миннатдорман. Мукофот янада юксакликка ундаши шубҳасиз. Оила тинч, рўзғор бут, кўнгил хотиржам экан, иш бароридан келаверади.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**журналист**

# ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Мамлакатимиз аёлларини уйғониш фасли бўлмиш баҳор айёми – 8 Март билан чин юракдан муборакбод этади!*
*Саодатли юрт маликалари, барчангизга соғлик-саломатлик, бахт ва саодат, оилавий хотиржамлик, доимий қувонч ва шодлик тилаймиз!*
*Лабингиздан ҳеч қачон табассум аримасин, ўйлаган ниятларингизга етиб юринг!*

# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ




***Соҳада меҳнат қилаётган аёлларни, барча мунис ва муҳтарама онахонларимиз, опа-сингилларимизни 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий муборакбод этади!***
***Ҳаётимиз гуллари бўлмиш азиз аёллар, Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хотиржамлик ҳамиша ёр бўлсин. Баҳорий кайфият Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!***

Сулола

***Рўзғорда ишлатиладиган идишларнинг баъзи турларига нисбатан «Ёлғон чинни» ибораси қўлланилади. Айтишларича, ҳали бундай идишлар урф бўлмаган пайтда Амир Темур усталарга буюртма бериб, ўзига хос жозибали, аммо бармоқ билан чертганда жарангламаган идишни кўриб «э, бу ёлғон чинни бўлибди-ку» деб ҳайратланган.***

# «СИЗГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ!»



Акбар ака Раҳимов мамлакатимиздаги таниқли кулоллардан. У республика Бадиий академиясининг академигидир. Кулолнинг асарлари нафақат мамлакатимиз, балки Москва, Санкт-Петербург, Германиянинг музейларидан ҳам жой олган.

У киши машҳур сулоланинг бешинчи авлоди ҳисобланади. Бу ҳунар авлоддан-авлодга ўтган сари унинг маҳсули тобора сайқал топиб келяпти.

Барча соҳада бўлгани каби лой, сув ва олов билан юзага келадиган ижодий ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Бу санъат сир-асрорларини чуқур ўрганиш учун инсонда аввало ўткир зеҳн, ўз ишига нисбатан меҳр-муҳаббат, эътиқод, сабр-тоқат бўлиши лозим. Шундагина бу нозик ва ўта мураккаб ҳунарни пухта эгаллаш мумкин.

Отаси Муҳиддин Раҳимов ана шундай фазилат эгаси бўлиб, Ўзбекистондаги кўпгина усталар билан тез-тез ижодий мулоқотда бўлиб турардилар. У киши «Ўзбекистон Бадиий кулолчилиги» китоби муаллифи, Ўзбекистон халқ рассоми, давлат мукофоти лауреати, санъатшунослик фанлари номзоди эдилар. Бу хайрли ишни эндиликда Акбар Раҳимов давом эттирмоқда. Отасининг хотирасини абадийлаштириш учун у Муҳиддин Раҳимов уй-музейини очди.

Кулолчилик — тарихий санъат. Бу санъат сирларини ўрганган сайин тарихимизни, ўтмишимизни ва бугунимизни янада теранроқ билиб борамиз. Санъат, маълумки, кўнгилни доимо эзгулик, меҳрга ошно қилади.

Машҳур кулол бир неча йил мобайнида ўтказиб келаётган кўргазмалар ЮНЕСКО раҳбариятининг эътиборидан четда қолмади. 1995 йили Ўзбекистондаги энг яхши кулоллардан бири сифатида диплом билан тақдирланган А. Раҳимов қарийб ўн йилдирки «Самарқанднинг мовий сополлари» номли муҳим лойиҳага раҳбарлик қиляпти. Бу лойиҳа бўйича барча архитектура обидаларини таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб, таъмир учун керакли бўёқларни мамлакатимизда ўсадиган ўт-ўланлардан тайёрлаш йўлга қўйилди.

Умуман кулолчиликда уч ранг — сариқ, мовий, жигарранг анъанавийдир. Бу услуб тарихини ўрганганимизда унинг илк бор V асрда Эронда пайдо бўлгани, IX асрда Хитойга ўтгани, ундан сўнг XI асрда Японияга, XIII — XIV асрларда эса Ўрта Осиёга кириб келганидан хабардор бўламиз.

А. Раҳимов ташаббуси билан ЮНЕСКО ҳомийлигида икки марта кулолчилик бўйича йирик анжуман ўтказилди. Унда Япония, Франция, Австрия, Туркия, Эрон, Австралия ва Корея каби 24 мамлакатдан мутахассислар қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**— Ижодий ишлари билан Франция, Германия, Туркия, Япония каби мамлакатларда сафарда бўлгансиз. Хорижда сизнинг ижодингизга, умуман, ўзбек кулолчилик санъатига қандай муносабатда бўлишади?**

— Ўз миллий санъатини эъзозлаган, унинг қадрига етган халқ, демакки унинг ижодкори ҳам ўша санъатнинг мевасидан, албатта, баҳраманд бўлади. Дарҳақиқат, шу кунгача бир неча юртларда бўлиб, хорижлик санъатсеварларни ҳурматига сазовор бўлдим. Бу хайрли ишлар аввало мустақиллигимиз шарофатидан деб биламан. Қаерда бўлмайин, урф-одатларимиз, умуман халқимиз ҳаётига қизиқиш жуда катта эканлигининг гувоҳи бўлганман.

Уста «Устоз — шогирд» анъаналарига содиқ қолган ҳолда ўтган йили куз ойларида «Шаҳрисабз кулолчилиги» мавзусида йирик кўргазма ўтказди. Уни ўтказиш учун бир неча ойлар давомида айнан Шаҳрисабздан олиб келинган шогирдларга сабоқ берилди. Бош мақсад — анъанавий кулолчилик билан замонавий кулолчилик уйғунлашган ҳолда янги асарлар яратиш эди. Натижада йўқолиб кетаётган Шаҳрисабз кулолчилиги тикланди.

Сулола давом этмоқда. Устанинг ўғли Алишер Раҳимов ҳам бир неча санъат асарлари яратишга улгурган. Дадасининг айтишларича, у икки ёшлигиданоқ бобоси кулолчиликка меҳр уйғотишга улгурган.

Инсон ҳаёти мисли оқар дарё. Берилган умрдан, Оллоҳ юқтирган истеъдодидан баракали фойдаланиб, халқимиз ва хорижликларни ўзларининг оддий ва лекин буюк санъат асарлари билан лол қолдирган сулола давомчиларига чиндан да ҳавасимиз келди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

Спорт

# ЭНГ КУЧЛИ АЛПЛАР ЮРТИМИЗДА

***Маълумки, шу йилнинг сентябр ойида Озарбайжоннинг Боку шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Бу жаҳон чемпионатида биринчи ўриндан саккизинчи ўрингача жой эгаллаган полвонлар эса 2008 йил Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиада баҳсларига йўлланмаларни қўлга киритишади. Тошкентда ўтган «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» анъанавий халқаро турнири ўз навбатида Пекин-2008 Олимпиадаси сари дастлабки қадамлар бўлди, десак асло муболаға бўлмайди.***

Мусобақага келган ҳар битта полвоннинг камида ўз мамлакати чемпиони, Европа ва жаҳон чемпионати ғолиби ёки совриндори эканлиги, ҳатто Олимпиада чемпионларининг ҳам борлиги медаллар учун курашни муросасиз ўтишини таъминлади.

Юнон-рум курашчиларимиздан Элбек Тожиев (55 кг), Равшан Рўзиқулов (66 кг), Александр Доктурошивили (74 кг), Давид Солдадзе (120 кг)лар бронза медалига эришган бўлсалар, Суҳбат Хожиев (120 кг), Шерзод Ургучев (84 кг), Элдор Ҳафизов (55 кг)лар «бронза» учун кечган баҳсларда рақибларига имкониятни бой беришди. 60 кг вазнда курашган вакилимиз, юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпиони (2001 йил), Осиё ўйинлари совриндори Дилшод Орипов озарбайжонлик Фауд Алиев билан барча рақибларини енгиб, финалга чиқдилар. Финалнинг дастлабки икки бўлимини ўз фойдасига ҳал қилган Д. Орипов Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига халқаро турнирнинг биринчи олтин медалини туҳфа этди.

Эркин кураш мусобақаларини 55 кг вазндаги полвонлар бошлаб беришди ва бунда вакилимиз, икки карра Жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби Дилшод Мансуровдан умидимиз катта эди.

Шундай ҳам бўлди. Барча рақибларини мағлуб этиб, финалда россиялик Европа чемпионати совриндори Жаъфар Отарасултанов устидан чиройли ғалабага эришган ҳамюртимиз ким аслида кимлигини яна бир бор намоён қилди.

Шунингдек, вакилларимиздан Ихтиёр Наврўзов (60 кг), Сослан Тигиев (74) кг, Олег Каллагов (96 кг), Абдул Аммаев (84 кг), Олег Газзаев (66 кг) мусобақани бронза медалларига мушарраф бўлдилар. Эркин кураш баҳсларини безаган, 66 кг вазн тоифасидаги Арслон Хуталиев (Ўзбекистон)—Артуш Тамбулак (Россия) ва 120 кг вазн бўйича Артур Таймазов (Ўзбекистон) — Курамагомед Курамагомедов (Россия) финал учрашувлари мухлисларни қаттиқ ҳаяжонга солди. Гарчи, ҳар иккала финалда ҳам россиялик полвонларнинг қўли баланд келган бўлса-да, ташвишланиш ноўрин. Бу — спорт. Масалан, ҳамюртимиз Артур Таймазов ўтган йилги жаҳон чемпионати финалида айнан Курамагомед Курамагомедовни мағлуб этиб, олтин медални ўзиники қилганди.

Халқаро спорт курашлари Федерацияси (FILA) президенти Рафаэл Мартинетти, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбонов, Ўзбекистон спорт курашлари Ассоциацияси президенти Салим Абдувалиев, эркин кураш бўйича етти карра жаҳон, уч марта Олимпиада чемпиони Александр Медвед ва бошқа фахрий спортчилар томонидан ғолиб ва совриндорларга олтин, кумуш, бронза медаллари, кубоклар ҳамда зарбоф тўнлар топширилди.

**А.АБДИЕВ**


ТОШКЕНТ ШАҲАР АГРОСАНОАТ МАЖМУИ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ



*Ушбу қувончли кунларда оналаримизга, опа-сингилларимизга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз. Айёмингиз муборак бўлсин, муҳтарам аёллар!*





ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар байрами билан қутлайди. Оилавий бахт ва фаровон ҳаёт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!





ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*Ҳаётимиз гуллари бўлмиш аёлларимизни баҳор ва гўзаллик байрами билан табриклайди. Шоду ҳуррамлик ва бахт ҳамиша Сизларга ёр бўлсин!*



## Спорт масканларида



***Мўъжазгина дарвозадан ичкарига кириб бораркanман, қалбимни аллақандай илиқ ҳис-ҳаяжон чулғади. Чунки бу маскандан мустақил республикамиз шарафини ҳимоя қилган етук спортчилар тарбияланиб чиққан. Осиё ўйинлари чемпионлари Иван Киреев, Андрей Колганов ҳамда Татьяна Левина, бир неча бор жаҳон биринчилигининг кумуш ҳамда бронза медаллари совриндори Антон Ряхов... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.***

# МАҚСАД
## олимпиада совриндори бўлиш

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши қошидаги сув спорти турлари бўйича республика махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўзига хос тарихга эга. Ушбу маскан пойтахтимизнинг энг гавжум жойи— Анҳор каналининг қирғоғида жойлашган бўлиб, 1987 йил иш бошлаган. 1993 йилдан буён спорт мактабига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Татьяна Маматқулова директорлик қилиб келмоқда.



— Айни вақтда бизда 562 нафар ёшлар сув спортининг 6 тури бўйича маҳоратларини ошириб келишяпти, — дейди Татьяна Абдураҳмоновна. — Булар спортнинг байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, сузиш, сувга сакраш ҳамда синхрон сузиш турларидир. Ёш спортчилар В. Бойко, Ю. Серебряков, О. Мингалиев, А. Решетова ҳамда Т. Лягина каби бир қатор тажрибали тренерлардан сабоқ олмоқдалар. Устозларнинг ўгитлари ҳамда ёш спортчиларимизнинг тинимсиз меҳнатлари натижасида бир мунча ютуқларни қўлга киритмоқдамиз. Ўтган йили Доҳада ўтказилган XY Осиё ўйинларида спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш ҳамда битта бронза медалини қўлга киритганликлари ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Спорт мактаби бўлимлари республикамизнинг турли шаҳарларида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўқув-машғулот базалари Тошкент, Фарғона, Наманган ва Андижон шаҳарларида ишлаб турибди. Академик эшкак эшиш бўйича машғулотлар Бекобод шаҳрида ўтказилмоқда. Иқтидорли ёшлар сузиш, сувга сакраш ҳамда синхрон сузиш бўйича малакаларини Тошкент шаҳридаги спорт мажмуаларида оширишяпти.

Анҳорда ёшлар машғулот ўтказишаётганидан фойдаланиб, катта тренер Вячеслав Сергеевни суҳбатга тортдик:

— Ўтган йили бўлиб ўтган Осиё ўйинлари чемпионати биз учун имтиҳон вазифасини ўтади. Тўғри, яхшигина натижаларга эришдик. Лекин ҳали амалга ошириладиган ишларимиз ва камчиликларимиз ҳам кўп эканлиги маълум бўлиб қолди.

**— Байдарка ва каноэда эшкак эшиш республикамизда оммалашиб бормоқда. Спортнинг бу турини янада ривожлантириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?**

— Аввалambор таъкидлашим лозимки, кўплаб ёшлар спортнинг бу турини ёқтиришади. Тренерлик қилаётганимга 30 йил бўлгани учун буни яхши биламан. Ҳатто ўткинчи бир ҳавас билан келганлар орасида ҳам ҳақиқий истеъдодлар учраб туради. Шу боисдан барча ёшларни иқтидорига, меҳнаткашлигига қараб муомала қиламиз.



Шароит етарли, лекин муаммолар ҳам учраб туради. Масалан илгари спортчиларимиз учун қайиқ ҳамда эшкаклар Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқариларди. Айни вақтда мазкур корхона фаолиятини тўхтатган. Шу боисдан спортчиларимизни эшкак ҳамда қайиқлар билан таъминлашда қийинчиликлар туғилмоқда.

Шу пайт қирғоққа икки спортчи яқинлашди.

**Ольга Умаралиева:**

— 2000 йилдан бери байдаркада эшкак эшиш билан шуғулланаман. 2005 йилда ўтказилган Осиё ўйинлари биринчилигида кумуш медал олишга сазовор бўлдим. Республика олимпия заҳиралари спорт коллежининг 3-босқичида ўқийман. Айни кунда бу йил Германияда ўтказиладиган жаҳон биринчилигида қатнашиш учун тайёргарлик кўряпман. Мақсадим, Ўзбекистон шарафини дунёга таратган Татьяна Левина каби спортчи бўлиб етишиш ва албатта, олимпиада ўйинларида қатнашиб, совриндор бўлиш.

**Алексей Мочалов, спорт усталигига номзод:**

— Спортнинг бу тури билан шуғулланишимга отам Юрий Мочалов сабабчи бўлган. Айни кунда Чехияда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигига тайёргарлик кўряпман. Бундан буёнги режаларим улкан. Коллежни тугатиб, институтда ўқийман ва республикамиз шоншуҳратини бутун дунёга таратмоқчиман.

Биз спорт мактаби ёшлари билан мулоқот чоғида яна бир карра ишонч ҳосил қилдикки, республикамиз иқтидорларга жуда бой, бинобарин, ютуқлар ҳам йил сайин ортиб бораверади.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Тақриз

Ижодкор туғёнларини тиёлмас ҳолатга келганда қоғозга туширса, ўтли сатрлар, жумлалар дунёга келади. Ундаги ёниқ ҳислар ўқувчисига ҳам юқади. Инсон қалби ижобий туйғуларга қанча кўп ошно бўлса, шунча гўзаллаша боради, покланади. Шеърият бу йўлдаги энг содиқ ёрдамчидир. Шунинг учунми адабиётимизда яратилаётган ҳар бир яхши асарни, нашр қилинаётган шеърий тўпламларни кўрганда дил қувончга тўлади. Абдусаид Кўчимовнинг «Кўзларим қароғидасан» (Тош., «Янги аср авлоди», 2006) шеърий гулдастасини ўқиб чиққач, мен ўзимда ана шундай илиқ-иссиқ сезимларни туйдим. Абдусаид Кўчимов носир сифатида, қалами бор шоир сифатида китобхонларга яхши таниш. Унинг ижодидан намуналар ўрта мактаб дарсликларига бежиз киритилмаган. Қиссаларида, ҳикояларида, шеърларида китобхонга айтмоқчи бўлган гапи, қалбини безовта қилган туйғу борки асарлари таъсирли чиқади, ўқиганнинг кўнглида қолади.

Китоб мавзу, мундарижа нуқтаи назаридан саккиз қисмдан иборат. «Бизникидир бу улуғ юрт» дея номланган биринчи қисмда шоирнинг Ватан таърифига, она юрт мадҳига бағишланган шеърлари жамланган. Асосийси, шоир қуруқ мақтов сўзлар тизмасини ёзмайди. Ватан туйғусини ич-ичидан сезган, она юртини ўзига хос тарзда севган инсон сифатида қалам тебратади. Юрт қиёфасини миллий бўёқларда кўрсата олади:

# БИР ҚЎШИҚ ИЗЛАБ

***Ҳақ рост! Бизда йўқдир баҳри уммонлар,***
***Беадад ботқоғу ўрмонимиз йўқ.***
***Ўзбек бобомиз бор — Бобо деҳқонлар***
***Меҳру меҳнатидан юрагимиз тўқ.***
***Зарангда зар ёққан кетмон қайда бор,***
***Ўзбекдай валломат деҳқон қайда бор.***

*(«Ўзбекистон қайда бор»)*

Шоир Ватаннинг ягоналиги, киндик қони тўкилган тупроғини инсонга ҳақиқий қўрғон, кошона бўлишини такрор-такрор уқтиради. Шеърларида кимгадир атайлаб таъкидлаётгандек мурожаат қилиб, Ватан ўзлигинга сингиб кетган бўлиши даркорлигини англатади:

***У — сенинг мужгонинг, қароғинг, кўзинг,***
***У — орзу армонинг, у — айтар сўзинг,***
***Иймонинг, виждонинг, у — сенинг ўзинг,***
***Бобонг-у, момонг-у, у — мунис она —***
***Ватан ягонадир,***
***Ватан ягона!***

*(«Ватан ягона»)*

Бу сатрлар она юртга меҳрдан мосуво, қандайдир илинчлар билан ватанфурушлик қилиб юрган кимсаларга отилган ўқ овозидек янграйди. Шу руҳдаги шеърлар тўпламда анчагина. «Ўзбекистон байроғи», «Истиқлол қўшиғи», «Армон», «Юрт дея ёнгин, дилим!», «Ватанфурушга», «Ургутим» шеърларини далил сифатида келтириш мумкин. Шоир кўнгил розларини тўлақонли ифодалаш учун сўзларни ўринли қўллашга алоҳида эътибор беради. Чунки у сўзнинг сеҳрини, қудратини ҳис қила оладиган ижодкорлардан. Оламда сўздек азиз ва айни пайтда даҳшатли куч йўқлигини ҳис қилган шоир ёзади:

***— Сўзни отиб, ўлдиролмайсиз.***
***— Аммо, отиб ўлдиради у.***
***— Сўзни ёқиб, кул қилолмайсиз.***
***— Аммо, ёқиб, кул қилади у.***
***— Дорга осиб бўлмайди сўзни.***
***— Дорга осар, аммо у сизни.***

*(«Сўз»)*

Сўз қудратига янгича таъриф бериб, унинг залворини туйишдан туғилган бу мисралар. Тўпламдаги теран фалсафий фикрларнинг лўнда ифодаланишини, табиат таъсирини шундоқ кўз олдингизда рассомдек чизиб гавдалантирилишини, пейзаж орқали нозик туйғуларни ифодаланганлигини ўқиганда, шоирнинг сўзга бўлган меҳри туфайли, унинг жилваларини ҳис қила олиши ва китобхонга-да ҳис қилдира олишига эришганидан қувонамиз.

***Чинни-ҳарир кўрпани ёпиб,***
***Тўнглаб ётар сарҳовузда сув.***
***Тушларида баргаклар тақиб,***
***Юзин силар мажнунтол — сулув —***
***Муз остида чашмаи зилол***
***Ҳайқиради:***
***— Қайдасан, баҳор!***
ёки:
***Тамоғидан тарнов-дорларга***
***Сумалаклар осилган қатор.***
***Киприги муз чорчинорларга***
***Хазин, эзгин термулган ҳилол***
***Кўзларида соғинчли савол.***
***Ҳайқиради:***
***— Қайдасан, баҳор!***

*(«Соғинч»)*

Худди баҳор соғинчи қалин музларни тешиб, фаввoрадан отилиб кетай деб турган ҳолатни ич-ичдан сезасиз, шоир соғинчига шерик бўласиз. Шоир манзараларни сувратлантиришда бадиий санъатлардан усталик билан фойдаланади, айни пайтда бадиий кашфиётлар яратади. Шунда ижодкорнинг топқирлигига қойил қолиб, дилингиз яйраб кетади.

***Қорлар кемтик деворлар оша***
***Қочиб борар қоялар сари.***
***Кўз ёшларин артади шоша***
***Пастак уйнинг деразалари.***

*(«Аввал баҳор»)*

Жуда ўринли топилган ўхшатиш, жонлантириш. Абдусаид Кўчимов шеърларида бу сингари мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Муаллифнинг шоир сифатидаги яна бир қирраси халқ ҳикматлари, латифаларидан фойдаланган ҳолда, енгил юмор билан тагдор фикрларни айтишидир. «Ҳикмат», «Полиз қўриқчисига», «Гулханийдан сўранглар», «Узун», «Устоз Саид Аҳмаднинг жавоби», «Латифа», «Тиш доктори Шералига» каби шеърлари шулар жумласидан.

Абдусаид Кўчимов шеърларида «дўстлар» хиёнатидан юраги қон бўлган инсоннинг ички изтироблари, манфаати учун амалдорлигингда бир ишоранг учун, омадинг кетганида сендан безор хушомадгўйнинг ялтоқланиши, «қоши кўзи жойида, аммо юраги йўқ, имони йўқ, қилмиши иғво» кимсаларнинг чиркинликларидан яхши инсонлар нақадар озор топиши юксак бир дард билан ифодаланган. Шоир қиёфасиз кимсалардан, қориннинг қули бўлиб, ўзидан бошқаларни ўйламайдиган худбинлардан, энг ёмон иллатлардан бири бўлган қўрқоқликдан жамиятнинг халос бўлишини истайди. Топиб айтилган сўзлари билан китобхонда одам табиатида бўладиган қусурларга қарши нафрат уйғота олади. Тўпламда воқеабанд, юксак инсоний туйғулар тараннум этилган шеърлар баробарида қисқа тўртликлар, ҳатто тўртта сўздан иборат шеър ҳам борки, бу шоирнинг ихчам сатрларда чуқур маъно оча олиш маҳоратидан нишона.

***Оқишни ўргатма ариққа***
***Сузишни ўргатма балиққа.***
***Деди...***
***Деди-деди***
***Уни еди.***

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун жаҳон шеъриятида ҳам, ўзбек шеъриятида ҳам қисқаликка интилиш кўзга ташланмоқда. Фахриёр, Абдували Қутбиддин, Турсун Али каби шоирларнинг сўнгги йиллардаги ижодидан, айниқса, кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Азим Суюннинг «Эй, дўст» деб номланган, фақат тўрт ярим қаторлик қайирмалардан иборат бўлган тўплами ҳам фикримизнинг яна бир бор далили бўла олади. Абдусаид Кўчимов айрим тўртликларида «сонини ўзидан чиқар» деган халқ нақлига амал қилганлиги кўриниб турибди:

***Қасдинг бўлса бахилда***
***Яхшилик қил ҳар куни.***
***Фақат яхшиликкина***
***Ўлдиргайдир уни...***

*(«Бахилда...»)*

Шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, гўзал ташбеҳлар, бадиий топилмалар қилишга интилади. «Зарангда зар ёққан кетмон қайда бор», «Садақайрoғочим — сайроқи малак», «Дунё кузги япроқдек қалтираб олур нафас», «Бодомзорлар — оппоқ аланга», «Музлар — қишнинг қовурғалари» каби жуда ўринли топилган ўхшатишлар шоир истеъдодидан, бадиий маҳорати юксалаётганидан далолат.

Абдусаид Кўчимов поэтик диапозони кенг шоир. У ўтмиш хотираларига берилиб, болаликнинг беғубор онларини эслабми, бошқалар учун оддий бўлган воқеалардан ўзига хос фалсафий хулосалар чиқара олади. «Қор ёғмоқда», «Девор» каби шеърлари инжа туйғулар билан фалсафий қарашлар омухта қилинган, уйғунлаштирилган ажойиб ана шундай шеърлардан. Шоир «Бир қўшиқ излайман» шеърида «Бир қўшиқ излайман, субҳи сабодай, ором ташиш бўлса дилларга иши» дея ёзади. «Кўзларимнинг қароғидасан» шеърий тўплами билан танишган китобхон Абдусаид Кўчимов шоир сифатида ўз овозини, «қўшиғини» топганлигига ишонади. Бу эса айрим такрор публицистик руҳ устувор шеърлар борлигини сездирмай кетади. Таниқли шоир А.Кўчимовдан «қайнарсойдай қайнаб толмайдиган» юрагидан чиқариб, гўзал шеърий намуналар яратишни кутиб қоламан, зотан «Кўзларимнинг қароғидасан» шунга умид уйғотади.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ**
**адабиётшунос**

## Болалар спорти

***Шўрчи Сурхондарё вилоятининг саноати ривожланган туманларидан бири. Шу боисдан кўп соҳаларда ўзига хос ютуқлар қайд қилинмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар муваффақият билан адо этиб келинмоқда.***

# ШЎРЧИДА СОҒЛОМ ЁШЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

Тасарруфимизда бўлган 59 та умумтаълим мактабларидаги мавжуд 85 та футбол ва волейбол, 47 та баскетбол ва қўл тўпи, 34 та стол тенниси майдончалари етарли даражада таъмирдан чиқарилди. Бу спорт иншоотларида 40 минг нафарга яқин ўғил-қизлариимиз дарс ва дарсдан ташқари вақтларида у ёки бу спорт тури билан мунтазам шуғулланишаяпти. Уларга А. Саидов, Р. Усанов, М. Мавлонова, Ш. Жўраев, Н. Мингбоева, Д. Рашидова, С. Добилов сингари ўнлаб моҳир мураббий-ўқитувчиларимиз сабоқ беришаяпти.

Мавжуд барча мактабларимизда миллий кураш, қўл тўпи, футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, енгил атлетика, стол тенниси каби оммавий спорт турлари бўйича тўгараклар ташкил қилинган. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш дастурига асосан ўрта умумтаълим муассасаларимизда 418 та секция очилган бўлиб, уларга 20 минг нафарга яқин ўқувчи жалб этилган.

Баскетбол, шахмат, футбол, миллий кураш секцияларидан республика миқёсидаги спорт мусобақаларида ғолиб бўлган Э. Муратов, Ш. Акбаров, Б. Давлатов, Ф. Болтаева, А. Менглимаматов каби ўқувчиларимиз бизнинг фахримиз ҳисобланишади.

Мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида ҳам имкон даражасида иш олиб бораяпмиз. Жисмоний тарбия дарсларини талаб даражасида ташкил этиш мақсадида барча таълим масканларига тўплар, шахмат-шашка, спорт «гранаталари» олиб берилди.

Бўлимимизда барча қулайликларга эга бўлган БЎСМ мавжуд. У ерда 8 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 626 нафар спортчилар, жумладан 180 нафар қизлар машғулотларда қатнашмоқда.

Айни кунларда спортчи ўқувчиларимиз «Маҳалламиз Барчиноийлари», «Маҳалламиз чемпиони» мусобақаларида спортнинг кураш, қўл тўпи, волейбол, баскетбол турлари бўйича тайёргарлик кўришмоқда. «Наврўз» байрами арафасида ўқувчиларимиз Шўрчи туман ҳокимининг совринини учун спортнинг волейбол, футбол, стол тенниси, енгил атлетика мусобақаларида ўзаро ғолиблик учун майдонга тушадилар.

**Суюн МАВЛОНОВ,**
**Шўрчи туман Халқ таълими бўлими мудири**

# ХОТИРА ТУРНИРИ

***Жиззах олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуасида кураш бўйича ёшлар ўртасида М.Бобоев хотирасига бағишлаб 7-анъанавий республика турнири бўлиб ўтди.***



Унда 200 нафар ёш полвонлар гилам устида ўзаро беллашдилар. Мусобақада 38 килограммдан 77 килограммгача бўлган жами 12 та вазн тоифасида ғолиблар аниқланди.

Умумжамоа бўйича бухороликлар биринчи, самарқандликлар иккинчи, жиззахликлар учинчи ўринни эгаллашди.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Архитектура, проекты и строительно ремонтных работ. Ф/о любая.**
Тел: 340-99-37

## Халқ театрларида

***Бу инсонни кўчада кўриб қолишса, ҳазил аралаш «Ана шоир Қайнарбулоқ Моментий келаяпти» дейишади. Ҳадди сиққанлари эса ёнига бориб янгисидан сўрайди. Ҳа, Аҳтам Қудратов ичакузди интермедиялари, ҳажвий шеърлари билан халқимизга яхши танилган санъаткорлардан. Унинг вилоят, республика телевидениеси, радиоси ва байрам тадбирларидаги чиқишларига кулгисевар мухлислар ўрганиб қолишган.***

# ЎЗИМИЗНИНГ АҲТАМ ҚИЗИҚ

Аҳтам Қудратов болалигиданоқ мутойиба, кулгу санъатига айрича меҳр қўйди. Бунда асосан ота-онаси — Асад ака ҳамда Шарифа аяларнинг таъсири кўпроқ бўлди. У Жондордаги 3-сон ўрта мактабда таҳсил олар экан, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ҳамро Фозиловнинг топшириғи билан турли тадбирлар учун сценарийлар ёзар, уларни саҳналаштиришда ҳам фаол иштирок этарди. Мактаб саҳнасида ижро этгани «Янги йил саргузаштлари» спектаклидаги Қора жодугар образи гарчи 30 йил ўтса-да, ўқитувчилар, мактабдошлар хотирасида ҳали-ҳанuz сақланаётгани қаҳрамонимизнинг нечоғлиқ истеъдодга эга эканлигидан далолат беради.

Кейинчалик Бухорода, Олим Хўжаев номли маданият техникумидаги таҳсили, «Баҳс» халқ театридаги дастлабки иш тажрибалари А. Қудратовни ҳақиқий саҳна ҳаётига олиб кирди. Ш. Йўллиев, Ф. Абдуллаев каби устоз санъаткорлардан актёрлик маҳорати сирларини ўрганди. Шу театрда саҳналаштирилган «Эзоп», «Ўлимдан кучли», «Сўлмас чечаклар» каби спектаклларда бош ролларни ижро этиш билан бирга ёрдамчи режиссёр вазифасини бажарди. Бу орада пойтахтдаги маданият олийгоҳини сиртдан тугатди.

Устозларидан сабоқ олиб, етарлича тажриба тўплаган А. Қудратов 1987 йилда ўзи мустақил иш бошлаб, Жондор туманида «Эътиқод» номли театр студиясини ташкил этди. Айни шу масканда саҳналаштирилган «Ишқ қурбонлари», «Менинг Бухором», «Хўжа Насриддин саргузаштлари» сингари драмалар Аҳтам Қудратовнинг режиссёрлик бобида анча камолот касб этганлигини намоён этди. «Оналар бўзламасин» номли саҳна асари эса 2005 йилги республика халқ театрлари фестивалида 1-ўринни эгаллади. Театр «Йилнинг энг яхши халқ театри» деб топилди.

1995 йилда ҳамкасблари Ш. Йўллиев, Й. Генжаевлар билан ҳамкорликда «Афанди ШАЙ» театр-студиясига асос солди. Бухоро ҳажвчилик анъаналарини ривожлантириш мақсадида йўлга қўйилган мазкур театр-студияси мана бир неча йиллардан буён вилоят аҳлига кулгу улашиб келмоқда.

Тиниб-тинчимас ижодкор драматургияга ҳам қўл урди. Ўтган йилда унинг «Эзгулик нури», «Янги йил эртаги» саҳна асарлари вилоят қўғирчоқ театри ҳамда Садриддин Айний номидаги вилоят театрида саҳналаштирилди. Бултур Марғилон шаҳрида ўтказилган «Алла» қўшиқ танловида А. Қудратов шеърий ривояти асосида саҳналаштирилган асар 2-ўринга лойиқ, деб топилди.

— Аҳтам Қудратов билан ишлаб чарчамайсиз. Аксинча, сизни янада ижод қилишга ундай оладиган санъаткордир, — дейди ижодкор сафдоши Й. Генжаев.

«Ҳаётнинг мазмуни нима? Ўзгаларга хизмат қилиш ва эзгулик улашиш», деган экан Арасту.

**ГУЛЧЕҲРА БОНУ,**
**журналист**

**БОШ МУҲАРРИР**
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
**Котибият**
153-52-78
**Бўлимлар**
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

**Газета ҳафтанинг**
**сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.**

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Навбатчи - Р.Орипов
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
**IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.**

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.20

Буюртма Г — 214

Тиражи: 19219

1 2 3 5 6

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси